

ТУРСУН АЛИ
ЮРАКДАГИ
СЎЗЛАР



СУЗБОШИ

Мен бахтиёрман
 Ватанимда озодлик
 Зилол сувда сузиб
 юрган балиқ сингари
 Эркин нафас олаётганидан.

Мен бахтиёрман
 Ватанимда истаган шаҳримда,
 истаган қишлоғимда,
 истаган тоғимда,
 истаган далаларимда
 Қуш сингари — эркин
 яшай олганимдан.

Мен бахтиёрман
 Эркин ижод қилганим учун
 Нозим Ҳикматдай қувилмай Ватандан.

Эркин куйлаганим учун
 Виктор Хара каби
 Ватанимда кесилмас бармоқларим.
 Синдирилмас созим.

Мен бахтиёрман.



Ёмғир ёғар юзларимга,
сочларимга,
кўзларимга.

Ёғар осмоннинг
меҳру саховати, ихлоси бўлиб,
Ёр зулфидай
қуйилар бўйнимга,
кирар бағримга.

Бир шифобахш ҳидларни
келтирар димоғимга.

Ёмғир ёғар
муҳаббат бўлиб юрагимга.

Қўшиқдай оқаятган ариқларга,
сойларга,

Майса-гиламларга,
барра буғдойзорларга,

Чигит қадалаятган ерлар,
ҳали униб чиқмаган уруғлар узра.

Ёмғир ёғар
қут-барака бўлиб.

Ёмғир ёғар,
ёмғир остида

Қишлоқдаги ўғилчам
Қўлчаларин кўкка чўзиб:

«Ёмғир ёғалоқ,
эчки соғалоқ», — дея

Чучук тиллари билан
осмонга қичқираётир,
заминга сигмаётир.

Қувонч бўлиб ёмғир ёғаётир.

Ёмғир ёғар дарахтларга,
гулларга,
Денгиздай ҳайқираётган чўлларга,
Уфққа қўл берган йўлларга,
Қуёшга буй чўзган бойчечак,
ўтларга,
Ёғар марварид бўлиб,
гўзаллик бўлиб
Ўзбекистон ерларига!

Тийрак кўзларимда яшил майсалар
Палапон сингари талпинар нурга.
Қўраман ҳар сафар ёмғир ёққанда
Кўмилиб кетади олам сурурга.

Ўйчан кўзларимда яшил майсалар,
Бағрига сингдирар нурни, ёмғирни.
Қуёшдай, ёмғирдай мен майсаларга
Бир кун топшираман ўтли бағримни.

Сўнг... Яна бу кўҳна замин бағрига
Яшил майса бўлиб қайтиб чиқурман.
Тагин, она юртин, сенинг шаънинга
Майсалар тилида шеърлар ўқурман.

* * *

Ҳамид Олимжонга

Улкан ўрик гуллади оппоқ
Юракларга улашиб шодлик.
Мен ўриққа тикилдим узоқ
Нигоҳимда севги ва ҳадик...

Улкан ўрик гуллади оппоқ
Ва чайқалиб сарин елларда
Чўмилтирди очиб кенг қучоқ
Ҳаволарни оппоқ ҳидларга.

Ота, Сизнинг қанотингизда ўсдим:
Вояга етиб танидим ақл
Ва лекин бугун менинг қисматим
Қушларга қиёс.
Мени етаклаб кетди орзулар.
Олис, сершовқин шаҳарга
Қузатганингиз ҳамон ёдимда:
— Қайда юрсанг ҳам омон бўл, — дея
Қолди кўзларингиз бўзлаб.
Дилингизда менга айтилмаган сўзлар:
— Балки онаси бўлганда тирик
Тўнғичим кетмасди, — дея кўзларингизда хаёл
Балки нолирсиз:
— Менга,
 укаларига,
 қишлоғига ҳам
Меҳр йўқ, деб, ўғлим қалбида.
Ота!
 Тетапоя мисраларимда қайтаётир
Сизга,
 укаларимга,
 қишлоғимга юрагим...

Шахло кўздай юлдузларни мен
Ҳар оқшом,
Салом, дея қаршилайман.
Тун бўйи
Улар билан сирлашиб,
Толим-толим сочларини босиб бағримга
Ухлаб қоламан.
Тонг саҳар,
Юлдузларнинг «хайр, яхши қол», —дея
Шивирлашларидан уйғониб кетаман.
Кўряпсизки,
Ҳар кун
Оқшом кутама у юлдузларни.
Тонг саҳар кузатиб қоламан.
Бир кун
Юлдузлар билан хайрлашолмай
Ё саломлашолмай,
Абадий уйқуга кўз юмсам,
Балки менн унутмас юлдузлар.

КУЗ ЖИЛОЛАРИ

(Туркумдан)

* * *

Ухлолмадим тун бўйи...
Ташқарида изғиди шамоллар.
Қулоғимга чалиниб турди
Сил япроқлар видоси.
Тинмади сира ҳам
Бепоеън она ер нидоси.
Қайлардадир,
Итлар улиди узоқ...
Жуда яқин жойдан
Эшитилиб турди
Қимнингдир ҳазин нафаси.
Мана шундай:
Юрагимга кириб келди куз.

ПАХТАЗОР МАНЗАРАСИ

Зангори кўл каби
Жимирлар пахтазор.
Кўзгалса шаббода
Чайқалар беозор.
Тўлқинлар бағридан
Оқ гуллар уйғонур.
Ҳавога ёйилар
Тонг каби майин нур.

КУЗ КЕЧАСИ

Қариган япроқлар чўмилар
Юлдузлар кўз ёши—шабнамда.
Қишлоқ қоровули — итлар
Қопар сукунатни асабий.
Заҳматкаш далалар қўйнидан
Пахта ҳидин орқалаб шамол
Қайгадир энтикиб йўл олар.
Тонг отмай уйғониб кетади
Серғаккина теримчи ҳизлар..

* * *

Кеча қовоқ очмаган осмон
Бугун
Табассум қилар.

Кеча сарсари чопган
Тентак шамол
Бугун ҳолдан тойган.

Борлиқ турар
Ҳеч ғам кўрмаган
Келинчакдай масрур.

Менинг юрагимга эса
Кечаги булутли,
Шамолли,
 ёмғирли кун
Чизиб кетди ўз суратин.

Серқут далаларда кезар хаёлим,
Пахтазордек кулиб ёришади тонг.
Шудрингда юз ювиб меҳнаткаш синглим,
Узун этакларга эгилар чаққон.

Серқут далаларда кезар хаёлим,
Оқшом осмонида юлдузлар рақси.
Бу ажиб паллада заҳматкаш элим
Хирмондан қайтади тоғ бўлиб кўкси.

Серқут далаларда кезар хаёлим,
Гарчанд ёмғир, шамол изиллар, бироқ,
Халқим кўзларида пахта хаёли,
Нобуд бўлмасин дер бирон-бир чаноқ...

Серқут далаларда кезар хаёлим,
Вақт қанотлидир — тўхтамас бирпас.
Ором билмас халқим оқ умидларин
Шамолга, ёмғирга топшириб қўймас...

* * *

Изгиринли тунда...
Чопиб бораётган ой ёруғида
Тинглаб юлдузларнинг ҳикоясин
Кўз тикар япроқлар бошқа боғларга.
Дайди шамолларнинг тутиб баридан
Қушчалардай
Япроқлар шайланар парвозга,
Лекин дарахтлар
Қўйиб юборгиси келмас уларни...

Уч кун бўлди,
Поезд олиб кетди
Уғлим ва хотинимни
Олис қишлоққа.
Уч кун бўлди,
Олиб кетди поезд
 кўзларимни,
 қўлларимни,
 овозимни,
 юрагимни.
Ақлу ҳушимни..
Энди, мени изламанг, жўралар,
Мен шаҳарда йўқман.
Уч кун бўлди,
Поезд олиб кетган мени
Олис қишлоққа.

* * *

Нурга чўмган кечаларда кезаман ёлғиз.
Кўчиб тушган гўё юлдузлар.
Автоларнинг кўзлари порлар,
Порлар биноларнинг кўзлари.
Порлар одамларнинг юзлари.
Фақат ёришмас кўнглим,
Сенсиз юрагимга чўккан тун.



ТРАМВАЙДАГИ СУҲБАТЛАР

Имиллаб боради эски трамвай,
Вагон одамларга шунчалар тирбанд
Кимдир гап бошлайди таниб-танитай:
«Кунинг ҳарорати бунчалар баланд»
Кимнингдир сўзлари мода ҳақида,
Биров эса сунъий сутдан куюнар.
Бошқасин ҳасрати бетон уйдан,
Уғил кўрганидан биров суюнар.
Биров ёниб сўйлар Ливан аҳволин,
Ким Абдулла Ориф шеърларин мақтар
Бошқаси дўстининг сўрайди ҳолин,
Биров дер: ойлигим ошсайди агар..
Гийқиллаб боради эски трамвай,
Ҳали манзилига узоқ одимлар.
Бироқ ҳасратлари,
 сўзи тугамай
Бекатларда тушиб қолар одамлар.
Гийқиллаб боради эски трамвай...

Кимнингдир олдида юрмасман
Новдадай эгилиб, қалтираб.
Кимнингдир олдида турмасман
Маст каби деворга қўл тираб.

Кимнингдир ёнида қушчадай
Мўлтираб боқмасман кўзига.
Кезмасман дунёни беҳушдай,
Юрмасман кимнингдир изига.

Кимнингдир илондай заҳридан
Турмасман юракни чангаллаб.
Кимнингдир бўрондай зарбидан
Кетмасман йўқликка мен қулаб.

Кул бўлмасман ўтларда куйиб,
Бекор менга ҳар қандай офат.
Сувларга чўкмасман қум бўлиб,
Мен—ўлмас, навқирон Ҳақиқат!..

Тун буйи киприкларим
Соқчиларга айланди.
Шундоққина ёнимда
Тушдаги парилардай
Сен ухлардинг маъсум.
Киприкларим сукутни
Ва сенинг уйқунгни
Шарпалардан кўриқлаш учун
Ухламади тун буйи...

УЧРАШУВДА

Уша кеча...
Ингоҳларимиз қучоқлашди.
Тилларимиз эса,
Сукунат ҳошида сақлади одоб.
Бироқ лабларимиз
Суҳбат қуришди узоқ
Муҳаббатнинг мунис тилида...

* * *

Наҳот сени ббшқа кўрмайман..
Наҳот азоблар мени
Сутдай опноқ юзларинг,
Чарос каби кўзларинг.
Наҳот азоблар мени
Эҳтирос-ла берган бўсаларинг,
Сочларимни тараган
Тароқ каби қўлларинг.
— Жоним, — дея эркалаган
ширин тилларинг
Наҳот азоблар..
Наҳот бекатимиз
айри тушди умрбод.
Энди
лаънатлар ёғдираман
бизларни манзилга элтган поездга!

Уларга эшикни очмайман.

Эркин Аъзамов

Бас, жўралар,

тарк этаман даврангизни.

Бир дақиқа қолсам гар,

юрагим кетади шардай ёрилиб.

Бирингиз гапирасиз:

қинғир йўллар билан мол-дунё йиғишни,

кўнглингизга тугасиз

мойи артилмаган «Волга» сотиб олишни.

Яна қай бирингиз тузасиз режа

шаҳарнинг сўлим бир четига дача қуришни.

Бошқангиз эса,

«бир мансабдорнинг кирсам пинжига

юришиб кетарди ишларим», — дея ўйлайсиз.

Бирингиз қиласиз хаёл,

«Анов қора кўзни илинтирсам тузоққа,

бахтиёр кечарди яна бир куним...»

Кечирасиз, жўралар,

Агар бу гапларни юзингизга

айтмасам рўй-рост,

Ёниб кул бўларди

ҳақиқатга айланган юрагим!

Бас, кетаман

ҳавоси бузилган даврангиздан.

Ҳозир бораман-да,

ўзимнинг ижара-уйимга,

Кулфлаб оламан эшикни ичкаридан.

Мени йўқламанг, ҳей, худбин, суллоҳ жўралар,

Бари бир эшикни очмайман сизларга!

* * *

Кечирасиз, мухтарам домла...

Ҳассага таяниб,

нутқлар сўйлайсиз

ҳиссиз ва мудроқ

«Юмшоқ супурги бўл раҳбарга,

Мушук каби суйкал ишинг тушганга,

Ён босгин, деб дўст-биродарга»,

Насиҳат қиласиз узоқ.

«Қадамларинг мунча шиддатли,

Гўё қиличдир сўзларинг,

Муомалангни ўзгартир», — дея

бўласиз жиғибийрон.

Мен йўқсил

қари нутқларингизни,

эгри насиҳатларингизни

Тинглашга тополмайман вақт.

Зотан,

йўлим бошқа менинг,

Бораётир учқур поездим

Ҳақиқат,

виждон йўлидан оғишмай,

Кечирасиз, мухтарам домла,

Сиз эса,

бошқа поезд одами!

ҲАҚҒУИ ШОИР СЎЗИ...

Америка ёзувчилари уюшмаси съезди минбаридан «Биз сўз эркинлигини таъминлашимиз керак. Бунинг учун эса дадил, жанговар ва курашчан ҳаракат зарур», деган сўзлар айtilди.

(Газета хабаридан).

Жаноб бош редактор!
Ижозат бering,
Гарчи амал столин қучиб
Турган бўлсангиз ҳам
 кўксингиздаги
Мудроқ ҳақиқатни
Уйғотгани келдим!
Порахўр ҳақида фельетон ёзиб,
Қирмизи қонга бўялган
Мухбирининг сўнгги кунлари
Қизиқтирмас сизни.
Наҳотки кўрмайсиз:
 очликдан,
 пулсизликдан,
 иложсизликдан
Номусин гул каби сотаётган қизни;
Наҳотки билмайсиз,
 тўрт мучаси соғ,
 оқил ҳамда закий йигитнинг
Оддий идорада
Югурдак бўлиб ишлаётганин?..
Наҳот бағрингизни ёндирмас,
Халқим, деб,
Тилим, деб,
Озодлик ва эрк, деб курашган

Панжара ортидаги шоир қисмати!..
Наҳот ачинмайсиз,
Тириклик дея
даласида.

Заҳарланган деҳқон ҳолига?!
Гўё сиз билмайсиз,
Мажруҳ қўшнингизнинг
Ёлғиз ўғли университетга киролмагани;
Сезмайсиз, автобусда —
Мудраб қолган ишчи йигитни.
Наҳот ўйламайсиз
Ёш ходимингиз
Нечун тушликка чиқолмагани.
Йўқ, буларни менадан яхши биласиз,
кўрасиз,
сезасиз,
ўйлайсиз...

Бироқ ҳақиқат қешида
Гангстерлардан кўрққан боладай гунгсиз!
Жаноб — бош редактор,
Шуни билинг,
Забонсизни кечирмас Ҳақиқат!

* * *

Соат милларида чопиб борар умрим.
Тўлқинларда сузаётган кемадай
Тин билмас, ором билмас бир дақиқа.
Орзуларим кўксига бош қўйгали
Соат милларида чопиб борар умрим.

БОЛА, АСКАР,
КЕЛИНЧАК ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Болалик йилларим...

Эслайман ҳамон.

Бизнинг тор кўчага

ҳарбий кийимда,

Кўзлари қоп-қора

бугдойранг аскар келди.

У ўғирликка тушган одамдай

негадир чўчиб,

ийманиб,

атрофга аланглаб,

Секин мени имлаб:

— Биласанми, — деб сўради, —

Лола опаг уйини?

— Қўшимиз Ханифа холанинг келини, — дея

Кўрсатдим зангор дарвозани.

Шунда аскар юзлари

қизарди анор каби.

Чақнаб кўзлари,

невидир шивирлаб олди лаблари...

Сўнг у

қалтироқ қўлларин

қўйиб елкамга,

Хат яшириб қўйнимга,

Синиқ товуш-ла:

— Бергин, — дея ёлворди, —

Лола опаггни ёлғиз ўзига.

Мен бўлса,
 нимадандир қувониб,
 Хатни гулдай авайлаб,
Тутдим Лола опам қўлига.
У хатни олган дам
Уқиб,
кўзларига суртиб,
 йиғлади ўксиб-ўксиб.
Сўнгра қучоқлаб мени,
 ўпиб юзларимдан,
 кўзларимдан,
Сўради овози титраб;
— У кетганмикин?
Элтасанми хат ёзиб берсам, — дея
Кўзларимга тикилди илтижо ила.
Уша кундан мен,
 аскар акали
 ва чиройли опали бўлиб қолдим.
Энди, ҳар кун
 келинчак опам уйида
Унинг сепларига,
 йўқ, сепларига эмас,
Чаросдай қоп-қора кўзларига,
Қирққокил сочларига,
 узун-узун киприкларига,
Атлас кўйлақларига боқиб тўймасдим,
 кетмасдим қошидан.
Бир оқшом,
 чиқмайди эсимдан сира,
Яна учратдим,
 менга юлдуз берган акамни.
У мени қучиб, эркалаб,
— Опангни чақиргин, — деди-да,
Узи бўлса кетди дала томон...

О, ўша кун улар,

қари тутлар панасида
шивирлашди узоқ...

Ушанда келинчак опамнинг елкаси,
негадир титради дир-дир.

Кўзларига тизилди мунчоқ-мунчоқ ёш.

Мен чидолмай

келинчак опам йиғиларига,

Уларни тарк этиб,

Уйга чошиб,

бурканиб олдим кўрпага...

Эрталаб кўз очсам,

Қўшнимиз Ханифа холанинг

Учар эди ҳовлимиз узра овози:

— Ер юткур келиним қочибди

шаҳарлик бола билан, — дея

койирди, қарғарди Лола опамни.

О, ўшанда илк бор

қулоқларим зинғиллаб,

сирқираб кетди юрагим,

Илк бор босди вужудимни титроқ.

Негадир, бурканиб кўрпага

йиғладим узоқ...

Йиллар ўғди,

бўй чўздим

юксак орзуларнинг беланчагида,

Бироқ, учратмадим бошқа,

Қўшнимиз келинчаги

Лола опамни.

АМАНДА ВА МАНУЭЛЬ

(Виктор Харадан)

Мен сени кўряпман, Аманда,
Оҳу кўзларингда ёшлик ёлқини,
Сочларингни ювади ёмғир,
Кўчада чопасан энтикиб —
Мануэлинг ишлайдиган
 заводга томон.

Сочларингда жилва қилар томчилар,
ёноғингда маъсум табассум,
сен борлиқни унутдинг.
Ҳозир уни кўрасан,
 уни,
 севгилингни...

Беш дақиқа танаффус
ўтади дарров,
Бироқ ҳаёт ўхшар
Мангуликка
ҳамда қисқа беш дақиқага.

Сирена жаранглар
танаффус тамом.
Одимлайсан, майин кулгиларингдан
кўча ёришар.
Сенинг бутун вужудингга
шодлик тўлади беш дақиқада.
Борган эдинг шивалаган ёмғир остида
Уни кўрмоққа,
 уни,
 севгилингни...

Сўнг баҳодир Мануэлинг
жангга йўл олди,
беш дақиқада
қонсираган жаллодларни
беш марта олди нишонга.

Яна аччиқ фарёд янглиғ
жаранглади сирена.
Кўплар қайтиб келолмадилар,
у ҳам қайтиб келмади, ҳайҳот!

Мен эса эслаймак, Аманда...
Оҳу кўзларингда ёшлик ёлқини,
Сочларингни юваркан ёмғир,
Кўча буйлаб югурасан энтикиб,
Мануэлинг ишлайдиган
 заводга томон.

РАСКОЛЬНИКОВ

Борар у
Тош остида қолган нарсаларни кўргали.
Қарайди —
Ҳаммаси жойида.
Бироқ... Қийнар виждон оғриқлари,
Қийнар уни
Иккига парчаланган юрак босриқлари...
Бас энди, боради ҳақиқат излаётганлар
қошига.
Барча азобларга тутиб бағрини,
Яланғочлаб қўяди —
Кўксида бурканиб ётган ҳақиқатни.

ЮРАГИМДАГИ ЁЗУВЛАР

Ётоқхона...
Мен ёш шоир,
Узуи тунлар,
Яланғоч ойнинг сийнасига қўйиб бош,
Юлдузларнинг оппоқ нурларига беланиб
Уйлайман:
Йўлимга кўз нурин тўшаб
Соғиниб яшаётган отамни,
Укаларим — жигарларимни...

Қишлоқ четидаги кўҳна қабристон,
Бахмал майсалар оғушида бир қабр —
Онам кирар соғинтириб тушларимга,
Кирар шеърларимга нур бўлиб...

Етмиш қиш чилласидан омон ўтган,
Уруш ярадори қўшнимиз Қодирали отанини
Саратон иссиғида ёниб,
Саратоннинг дим кечаларида
Ғўзага меҳр тарашлари
Жасорат бўлиб муҳрланар сатримга.

Маҳалламиз магазинидаги,
Кўзи жавдироқ,
Қўли қалтироқ,
Қароқчи сотувчининг
Тарозидан, қайтимдан юлиб қолишлари,
Бағримдаги қора битикдир.

Боласин қолдириб эрига,
Иккинчи сменага кетдим, дея ишга,
Лақиллатиб содда эрини,
Ярим гунда
Пулдор бир кимсанинг
Кўнглин овлаб келаётган аёл башараси.
Нафратимнинг шамоллариға урилиб,
Кўчиб кирар шеърим қаърига.

Биламан!

Гарчи, шеърларимни қари муҳаррир,
Ҳали хом, пишириш керак деб,
Мана шу сатрлар қалтисроқ,
Тегиб кетмасмикин машҳур раисга,
Мана бу ерда эса,
Ана бу «катта»нинг исми ёзилган, дея,
Рангин баҳоналар билан
Берар қайтиб қўлимга.
Мен эса,
Ҳақиқат вагани бўлган юрагимни,
Осмон бўлиб эркалайман жим.
Ва ундаги ёзувларни
кўчира бошлайман қоғозга!..

Бизни адаштирар тизгинсиз йўллар.
Адаштириб қўяр соат миллари
Ва қўрғошин рангли туманлар.
Адаштирар шамоллар,
булутлар,
қуёш,
ой.
Адаштирар жаннат каби боғлар,
виқорли тоғлар.
Бешик-бешик барханли чўллар,
Адаштирар хушбўй анвойи гуллар,
Адаштирар бизни
машина рулин бошқарувчи шофёрлар
Ва узун сочли,
қора кўз қизлар.
Бизни бир кун адаштириб
бағрига яшириб қўяр йиллар..

ИНСОН ДУНЁСИ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Устоз, шеър ёзаман
муҳаббат ҳақида.
Бас, шундай экан,
муҳаббатни ўйлашим керак:
Шундай кўз олдимда,
икки курсдошим
севди бир-бирин.
Биз курсдошлар уларни
«Лайли-Мажнун» дедик.
Дедик «Тоҳир-Зухра»,
Улар
бир лаҳза ажралишмасди.
Доим бирга бўлишарди,
қўл ушлашиб юришарди,
кулишарди.
«Бизлар бахтлигимиз» — дея давраларда
қадаҳлар чуқиштиришарди...
Ёдимда, охирги курс эди,
Қизнинг тўйи бўлди.
Эргаси эшитсам,
уни келин қилибди
Катта бир магазиннинг директори.
Яна бошқа ўртоғим,
ошиқ бўлди бир қизга.
Ишқ ўтида ёнди,
ўртанди бағри.
«О, унинг кўзлари — оҳу,

О, унинг сўзлари..
Бирам иболи,
 бирам оқила», — деб мақтарди бетин.
«Унга етишсам
Бўлардим бир умр бахтли,
Нурга тўлар эди кўксим», — дея
 ўртанди бағри.
Тўй ҳам бўлди.
Дўстимнинг ушалди орзулари,
 армонлари...
Бироқ,
 йил ўтмай у —
 ҳайдади ҳомиладор хотинин ноҳақ.
Суриштираман,
 дўстим ўзгага қўйибди муҳаббат.
Устоз,
 шеър ёзаман,
Меҳр-оқибат ҳақида.
Зотан, бу ҳақда ўйлаш,
 ёниш,
 куйлаш пайти букун
Мен печун қайғурмай,
 Лов этган ўтдай сўнаётган бўлса
 меҳр-оқибат инсонда.
— Қани бунга далил, — дерсиз?
Мен ўйланмай
 жавоб бераман шу топда.
Менинг бир тенгдошим бор,
Кичик идоранинг кичик ходими.
Ойласи ҳам кичик,
(Хотиини ва бир фарзанди бор).
Туғилган қишлоғида
Яшар эди бемор онаси.
— Қайлардасан, болам,
Соғмисан, — дея

Мен ҳақиқатнинг
қадди ёй бўлганлигини,
бағри қон бўлганлигини
кўрганман.

Яхши билар эдим мен
Оқ кўнгил,
қора қош ҳамшира қизни.

У пок, содда эди.
Бир кун тунги сменада
Навбатчи врач
уни зўрлаб,
Бадном қилиб қўйганлиги,
Эргаси, бутун касалхонага
кетди гап бўлиб.

Бироқ, судда:
«Қиз ўзи розилик билдирган», — дея
Жиноятчи кетди оқланиб.

Устоз,
Мен шеър ёзаман,
Одамларнинг юрагига,
қон томирларига,
мияларига,
кўзларига,
тилларига

Ва ичаётган сувларига,
Еяётган нонларига,
Симираётган ҳаволарига!
Токи улар англаб,

ҳис қилиб,
сезиб,
гапириб турсинлар,

Дунёда муҳаббат,
меҳр-оқибат,
инсоф
ва виждон борлигини!

ОҚИБ БОРАЁТГАН БОЛАКАЙ

(Ч. Айтматовнинг «Оқ кема»сини ўқиб)

Туш кўрдим,
Тушимда туби йўқ денгиз!..
Бўрон бўлиб тўлқинлар
Соҳиллардан сапчир,
Бир дам лоқайд боқсанг гар
Тортиб кетар домига.
Туш кўрдим,
Тушимда улкан бир денгиз..
Беланчакдай тўлқинлар
Олиб борар оғушида,
Кўзлари,
 сочлари,
Юлдузсиз кечадай бир болакайни.
Серғалаён тўлқинлар қўйнида
Қайиқ сингари,
Интила-интила соҳил сари,
Қалқиб-қалқиб борар болакай,
Қирғоқда бақувват,
 олчоқ,
 ялоқи
Бир гала одамлар
Уз жонларини ўйлаб,
Уз жонларини авайлаб,
Гўё кино кўраётгандай,
Чўкиб бораётган болакайни
Бешафқат кузатиб турармиш..
Денгизга чўкиб бораётган —

Тушимдаги буғдойранг
Болакай қисмати,
Сирқиратиб юборди менинг юрагимни.
Мен соҳилдаги беғам,
 лоқайд, ҳиссиз,
 мудроқ одамларга
Нафрат ўқин отгали,
Болакайни соғлом,
Омон кўриш,
Унинг-ла сўзлашмоқ учун,
Утли кўзларимни чирт юмиб
Тушларим диёрига кетдим...
Ишонаман, кўраман соҳилда соғлом,
Кўзлари қоп-қора
Ва тили бийрон болакайни...

Бас, кел энди, хайрлашайлик,
Тинсин чигал ўйлар гирдоби.
Егар ахир шунча жимжитлик,
Огир ахир сукут азоби.

Қара, осмон — зулмат бус-бутун,
Бошимизда на юлдуз, на ой.
Сени олиб кетган қора тун
Бир умр қалбимда қолар ҳойнаҳой...

Шудгор қилинган ерлар,
Энтикиб куйлайди сахролар.
Ўркач-ўркач баҳайбат тоғлар
Куйлайди бўтакўз булоқлар.
Илонлар,
 йўлбарслар,
 куйлар, қўтослар.
Куйлар булутлар,
 юлдузлар,
 қуёш, ой.
Гунчалар,
 куртаклар...
Куйлайди заминни ёриб
Ёруққа интилган майсалар.
Куйлар серғалаён денгизлар,
Куйлар бутун борлиқ,
Бутун коинот...
Афсус,
Биз баъзида
Уларни англай олмасмиз,
Тинглай олмасмиз!

* * *

Узун сўқмоқларда бораман ёниб,
Далага сингаман шамдай бетовуш.
Елларда ўйнайди сочларим тўзиб,
Бинафша атридан бўламан сархуш.

Қирларнинг пойига тўшалган кенглик,
Уйнар, эркаланар кўксимда сабо.
Барқут майсаларнинг шифобахш ҳиди
Зориққан руҳимга бўлади даво.

* * *

Мен дсразанг тагидаги
Адл дарахтга айлансам,
Яшил япроқларим билан
Қулоғингга шивирлаб,
Сенга ҳеч ким айтмаган
Сўзларни айтардим.
Сен эса,
Роҳатдан маст бўлар эдинг.

Мен деразанг тагидаги
Адл дарахтга айлансам,
Сенга ҳеч ким куйламаган,
Фаройиб қўшиқлар куйлардим.
Сен бўлса,
Қўшиқларим сеҳридан
Айланиб қушга
Шохларимга келиб қўнардинг.

Ўғлим, ҳали сен жуда ёшсан,
Кўзларингда чақнар кулгулар.
Қувончларга тўлиб чопасан,
Товушингдан уйғонар гуллар.

Бугун сенга ҳамроҳ тулкилар,
Бўрилардир ўйин-овунчоқ.
Сен уларни дўст деб биласан
Сен-ла ҳозир улар ҳам иноқ...

Икки шохда тебраниб бугун,
Сенга ором берар беланчак.
Уйқулардан, чўчитиб сени, —
Уйғотади бир кун келажак...

* * *

(Нозим ва Сарварни соғиниб)

Деразадан тикиламан жим,
Олислардан бўйлар дарахтлар.
Дарахтларнинг ортида балким
Уғилларим мени ахтарар...

Бағрим ёнар соғинч ўтида,
Тебранади қўлимда қалам.
Қулоғимга чалинар янграб
Уғилларим овози ўктам.

«Дадам олиб келар хўрозқанд!»
Ичимга ютаман аламни.
Уғилларим умидвор хурсанд...
Синдираман зарб-ла қаламни.

Деразадан тикиламан жим,
Олислардан бўйлар дарахтлар...

Уйғонгин, атрофга тикилгин,
Қуёш нурларида ювгин юз.
Осмон соф, гүёки бу ерга
Сира ҳам қайтмағай қиш ва куз.

Уйғонгин, боғларга кир, чопиб,
Дарахтларда оппоқ наволар.
Майсалар куйлайди ғаройиб,
Уйноқлар атирбуй саболар.

Уйғонгин, термилгин атрофга,
Шодликлардан учасан — гүё.
Ер юзи чумилган софликка,
Уйғонган ажойиб бир дунё.

ҚОРАБАЙИР

Бола эдим, шўх ўйинқароқ,
Бир кун отам келтирди тойчоқ.

Мен тойчоқни суюб ўша шам,
Қорабайир дея қўйдим ном.

Қишлоқдаги болалар, қувноқ
Эртаю кеч ўйнардик улоқ.

Қорабайир елдай еларди,
Мен улоқда ғолиб келардим.

Бир кун отам менга эрталаб,
— Юр, мактабга, — деди эркалаб...

Мен мактабдан уйга энтикиб,
Келгаи эдим тойга кўз тикиб.

Кўринмасди ҳовлида тойчоқ,
Тизгини-чи бир четда бироқ...

Уйда меҳмон — башанг бир одам,
Гўшт пиширар энтикиб отам.

Кўз ўнгимда бу ёруғ дунё,
Қуёшидан ажралди гўё...

Тушларимга ҳануз кирар жим
Қорабайир — шўх болалигим.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
«Ёмғир ёғар»	4
«Тийрак кўзларимда»	6
«Улкан ўрик гуллади»	7
«Ота, сизнинг қанотингизда»	8
«Шаҳло кўздай»	9
Куз жилolari (Туркумдан)	10
«Ухлолмадим»	10
Пахтазор манзараси	11
Куз кечаси	12
«Кеча қовоқ очмаган»	13
«Серқут далаларда»	14
«Изғиринли тунда»	15
«Уч кун бўлди»	16
«Нурга чўмган»	17
Трамвайдаги суҳбат	18
«Қимнинг олдида»	19
«Тун бўйи киприкларим»	20
Учрашувда	21
«Наҳот сени»	22
«Бас, жўралар»	23
«Кечирасиз, муҳтарам»	24
Ҳақгўй шоир сўзи	25
«Соат милларида»	27
Бола, аскар, келинчак ҳақида ҳикоя	28
Аманда ва Мануэль.	31
Раскольников	33

Юрагимдаги ёзувлар	34
«Бизни адаштирар»	36
Инсон дунёси ҳақида баллада	37
Оқиб бораётган болакай	41
«Бас, кел энди»	43
«Шудгор қилинган ерлар»	44
Узун сўқмоқларда	45
Мен деразанг тагидаги	45
Уғлим	46
Деразадан	47
Уйғон	48
Қорабайир	49

На узбекском языке

ТУРСУН АЛИ (УРМАНОВ)

ДУШЕВНЫЕ СЛОВА

Стихи

Редактор М. Жалылов
Рассом Т. Сайдуллаев
Расмлар редактори А. Бобров
Техн. редактор Э. Саидов
Корректор М. Қудратова

ИБ № 2822

Босмахонага берилди 16.02.83. Босишга рухат этилди 3. V. 83.
Р. 18416 Формати 70x90 1|32. Босмахона қоғози № 1
Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 1,75.
Нашр л. 1,4. Тиражи 5000. Заказ № 12. Баҳоси 20 т.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129,
Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси
ишлари Давлат Комитетининг Бекобод шаҳар босмахонаси.

20 т.

